



journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/oiss>

МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ЕХХТ ВА МДҲ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

C. Убайдуллаева

сиёсий фанлар номзоди, тадқиқотчи

Тошкент давлат шарқшунослик университети

E-маил манзили: sadulya75@mail.ru

Калит
минтақа,
Марказий Осиё,
МДҲ, ЕХХТ.

сўзлар:

ҳамкорлик,

хавфсизлик,

хамкорлик,

хамкорлики,

хамкорлигидан

Аннотация: Мақола Марказий Осиё давлатларининг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) ҳамда Мустақил давлатлар ҳамдӯстлиги (МДҲ) ташкилотлари билан ҳамкорлик масалалари атрофлича ёритилган. Ушбу ташкилотларнинг ўзига хос жиҳатлари, минтақавий хавфсизликни таъминлашдаги аҳамияти, ҳамкорлик доирасида Ўзбекистон учун устувор йўналишлар кўрсатиб ўтилган.

COOPERATION OF THE COUNTRIES OF CENTRAL ASIA WITH THE OSCE AND THE CIS IN ENSURING REGIONAL SECURITY

S. Ubaidullaeva,

candidate of political sciences, researcher

Tashkent State University of Oriental Studies

E-mail address: sadulya75@mail.ru

Key words: region, cooperation, Central Asia, security, CIS, OSCE.

Abstract: The article deals with the issues of cooperation between the states of Central Asia with the Organization for Security and Cooperation in Europe (OSCE) and the Commonwealth of Independent States (CIS). The specifics of these organizations, their importance in ensuring regional security, and priorities for Uzbekistan in the framework of cooperation are outlined..

СОТРУДНИЧЕСТВО СТРАН ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ С ОБСЕ И СНГ В ОБЕСПЕЧЕНИИ РЕГИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

C. Убайдуллаева,

кандидат политических наук, научный сотрудник

Ташкентский государственный университет востоковедения

Электронный адрес: sadulya75@mail.ru

Ключевые слова: Азиатско-Центральная Азия, регион, сотрудничество, безопасность, СНГ, ОБСЕ.

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы сотрудничества государств Центральной Азии с Организацией по безопасности и сотрудничеству в Европе (ОБСЕ) и Содружеством Независимых Государств (СНГ). Обозначена специфика этих организаций, их значение в обеспечении региональной безопасности, приоритеты для Узбекистана в рамках сотрудничества.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти омили. EXХТ Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизлик бўйича ўзаро боғлиқлик тизимининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, у амалга ошираётган чора-тадбирларнинг аксариятини Марказий Осиё давлатлари маъқулламоқда. EXХТ хавфсизлик соҳасида фаолият юритадиган тузилма ҳисобланиб, унга тарихий вазият тақозоси билан минтақанинг барча давлатлари аъзо бўлган. EXХТ иштирокчи давлатлар учун ўзига хос анжуманлар майдони бўлиб, минтақада маълум даражада барқарорлик, хавфсизликка эришиш учун хизмат қилади. Шунингдек, Европа мамлакатлари билан алоқа қўпроқ мазкур ташкилот орқали олиб борилмоқда.

Ташкилотнинг ўзига хослиги шундаки, унда асосий шарт бошқаларнинг хавфсизлиги ҳисобидан ўз хавфсизлигини мустахкамлаш эмас, балки бор эътиборни кооператив ва умумий хавфсизликка қаратишдан иборат. EXХТ Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда муҳим роль ўйнаб келмоқда. Мазкур Ташкилот терроризмнинг пайдо бўлиши ва кучайишига имкон яратадиган ҳамда экстремистик мафкура учун манба ва қулай муҳит бўлиб хизмат қиладиган ижтимоий ва сиёсий-иқтисодий тенгсизлик муаммоларини ҳам ҳал қиласди.

EXХТ 2004 йилдан бери Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Мўғулистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон ёшлари иштирок этаётган Марказий Осиё ёшлари тармоғининг ташаббусларини ташкил этиб ва молиялаштириб келмоқда[1]. Ташаббуслар EXХТ иштирокида таҳдид ва хатарларга қарши курашиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни муҳокама қилиш учун давлатлар ўртасида минтақавий алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Шунингдек, EXХТ ҳам Афғонистондаги вазиятнинг Марказий Осиё минтақасига таъсирини назарда тутган ҳолда, ушбу мамлакатда хавфсизликни таъминлашдан манфаатдордир. Шу муносабат билан Марказий Осиё давлатлари ва EXХТ Афғонистондан бўладиган хавф-хатарнинг авж олишига йўл қўймаслик бўйича умумий чоралар қўриш ниятидадир[2]. Умуман, EXХТнинг Афғонистонда амалга ошираётган чора-тадбирлари Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни (давлат чегаралари, терроризм, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши, одам савдоси ва бошқа масалаларни) ҳал қилишга йўналтирилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги омили. МДҲ ҳам БМТ, ШХТ, ОҲИЧК каби Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик бўйича комплекс ўзаро боғлиқлик тизимининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Президент Ш. М. Мирзиёевнинг ташабbusи билан Ўзбекистон 2020 йилда илк бор МДҲга раислик қилди. Ўзбекистоннинг МДҲда раислик қилиши концепциясига мувофиқ тармоқлараро ҳамкорлик органларининг 60 га яқин кенгаши ўтказилиб, 70 дан зиёд кўп томонлама хужжат қабул қилинди[3]. Ўзбекистон МДҲнинг 39 та идораси билан ҳамкорлик қиласди ва қўйидаги олтига муассасасига қўшилган: 1) Ёшлар ишлари кенгаши, 2) Архив хизматлари раҳбарлари кенгаши, 3) Саноат сиёсати кенгаши, 4) Минтақалараро ва чегараолди ҳамкорлиги бўйича кенгаш, 5) Мехнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича маслаҳат кенгаши, 6) Истемолчилар ҳукуқини ҳимоя қилиш бўйича маслаҳат кенгаши. Шунингдек, туризм, жисмоний тарбия ва спорт, ёшлар сиёсати,

рақамли технологияларни ҳаётга татбиқ этиш соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришнинг 2021–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Мазкур стратегия МДҲ майдонида барқарор ривожланишни таъминлаш учун муҳим.

МДҲ Ўзбекистон учун амалий шерикчиликни чуқурлаштириш ва кўп томонлама ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш учун қулай майдон бўлиб хизмат қилмоқда.

МДҲ доирасида ҳамкорлик қилишда қўйидаги йўналишлар устувор ҳисобланади:

1) савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш. Ушбу мақсадга эришиш учун Ш. М. Мирзиёев 2020 йилда МДҲ Давлат бошликлари кенгашининг (ДБК) саммитида қўйидагиларни таклиф қилди: а) МДҲ доирасида “яшил” ва “соддалаштирилган” йўлакларни кенг жорий этиш; б) ўзаро савдони рақамлаштириш бўйича “Йўл харитаси” қабул қилиниши туфайли МДҲнинг умумий электрон савдо майдонини ишга тушириш;

2) саноат кооперацияси соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш. Ўзбекистон машинасозлик, электротехника тармоғи, енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда фармацевтика соҳаларида қўшма кластерлар ташкил этишни ўз ичига оладиган “Саноат кооперацияси комплекси дастури”ни ишлаб чиқиш тарафдоридир;

3) транспорт-логистика ва транзит имкониятларини ишга солиш. МДҲ ДБКнинг сўнгти саммитида қўйидагилар мазкур йўналишдаги асосий вазифалар этиб белгиланди: транспорт йўлакларининг рақобатбардошлигини ошириш, техник регламент ва стандартларни уйғунлаштириш, ўзаро келишилган тариф сиёсатини олиб бориш ва ўзаро префенциялар бериш;

4) минтақавий хавфсизликни таъминлаш. Санитария-эпидемиологик тарздаги фавқулодда вазиятлар (ФВ) мониторингини олиб бориш ва вақтида уларнинг олдини олишининг самаравали тизимини шакллантириш ниҳоятда муҳим бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон, юкорида таъкидланганидек, 2020 йилда Ҳамдўстликка раислик қилганида кўп томонлама ҳамкорликни изчил равишда кенгайтириб бориш ва унинг самарадорлигини оширишни ўз олдига устувор вазифа қилиб қўйди.

Дунёда оғир эпидемиологик вазият ва қатор МДҲ давлатларида сиёсий танглик хукм сураётган бир шароитда Ўзбекистон бу ташкилотнинг раиси сифатида сермаҳсул ва самаравали иш олиб боришнинг уддасидан чиқди.

Г. Йўлдошеванинг фикрига кўра, Марказий Осиёда регионализм жараёнларининг ривожи минтақа давлатларининг халқаро ташкилотлар, жумладан ШХТ, ЕОИИ ҳамда “Бир макон, бир йўл” шиори остидаги трансмintaқавий лойиҳалар доирасидаги ҳамкорликнинг фаоллашиши билан боғлиқ. Ўз навбатида, Марказий Осиё давлатлари минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда манфаатлар уйғунлигини таъминлаш учун йирик давлатлар иштирокини ўзлари белгилайдилар[4]. И. Сафранчукнинг ёзишича, Марказий Осиё давлатлари Евросиё қитъасида ривожланиб бораётган жараёнлардан ажralиб қолишдан манфаатдор эмасдирлар. Шу боис минтақадаги мамлакатлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда фаоллик кўрсатишмоқда[5].

Р. Маҳкамбоевнинг таъкидлашича, Марказий Осиё учун сиёсат ва иқтисодиёт соҳасида ҳамкорликнинг минтақавий хавфсизлик тизимини мустаҳкамлаш учун зарур шаклини яратиш лозим[6].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ОБСЕ способствует развитию сотрудничества среди молодежи в Центральной Азии. 2.11.2020. — URL: <https://www.osce.org/tu/programme-office-in-nur-sultan/469251>.
2. ПА ОБСЕ и парламенты стран Центральной Азии обсудили сдерживание угроз из Афганистана. 26.08.2021 г. — URL: <https://tass.ru/mezhdunarodnaya-panorama/12223963>
3. Итоги председательства Узбекистана в СНГ: основные приоритеты, достижения и трудности. 29.12.2020 г. / Исполнительный комитет СНГ. — URL:

https://cis.minsk.by/news/17512/itogi_predsedatelstva_uzbekistana_v_sng_osnovnye_priority_dostizhenija_i_trudnosti

4. Юлдашева Г. Взаимодействие регионализма и глобализма: пример Центральной Азии. 27.12.2020 г. — URL: <https://www.caa-network.org/archives/21231>

5. Сафранчук И. Обойди соседа: как найти баланс между глобализацией и регионализацией в Центральной Азии? 20.09.2021. — URL: <https://ru.valdaiclub.com/a/highlights/oboydi-soseda-kak-nayti-balans-v-tsentralnoy-azii/>

6. Маккамбаев П.А. Современное состояние формирующейся системы региональной безопасности Центральной Азии // Экономика Центральной Азии. — 2021. — № 3. — С. 273–296. — doi: 10.18334/asia.5.3.112997.